



Холдор Вулкон



Синглим Анорага

Гурбат сахросининг барханларида,

Мен сени эслайман, кунда, кун ора.
Жилмайиб йигловчи, йиглаб жилмайгувчи,
Менинг ювошгина синглим, Анора.

Субхи содик махал такирлатсалар,
Томлар туникасин ёмгирлар чўкиб.
Ўлтирарсан балки мехробда ёлгиз,
Сўлим сукунатда номозинг ўкиб.

Салкин кўчаларда юзларинг кесар,
Кўз ёшлар суюлган олмосдай окиб.
Овозсиз йигларсан хувиллаб ётган,
Акангнинг кимсасиз уйига бокиб.

Кўз ёшинг бебахо дур каби асра,
Тинсин кузги сувлар сингари асаб.
Дайди шоир аканг ховлисида куз,
Юрсин япроклардан гербарий ясаб.

6 август, 2010 йил.
Кундуз соат 8 дан 4 дакика ўтди.

Торонто шахри, Канада.

